



№49 (902)  
2025 йил 10 июнь,  
сешанба

# ЎЗБЕКИСТОН ВУНУОДКОРИ

ijtimoiy-iqtisodiy  
gazeta

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbyunodkor t.me/uzbyunodkor uzbyunodkor info@uzbyunodkor.uz uzbyunodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

### СЛОВАКИЯ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИДАГИ НАВБАТДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОР ДАВЛАТИГА АЙЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицо расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.**

9 июнь куни Қўқсарой қароргоҳида Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицони расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қорувул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шоҳ-супага тақлиф этди.

Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Словакия давлат мадҳиялари янгради. Етақчилар фахрий қорувул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицонинг музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Словакия ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Қайд этиш лозим, Ўзбекистон ташқи сиёсати стратегиясининг фалоллашуви ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга қизиқиши ортб бораётгани фонидида расмий Тошкент ва Братислава ўртасидаги муносабатлар янги сурат олади. Турли соҳаларда ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари ушбу ташриф кўп қиррали Ўзбекистон – Словакия муносабатлари тарихида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб беришини алоҳида таъкидлади.

Ҳамкорлик барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ташқи ишлар вазирликлари даражасида конструктив сиёсий мулоқотлар йўлга қўйилди, ишбилармонлик ва гуманитар алмашинувлар фаоллашди.

Товар айирбошлаш ортиб бормоқда. Май ойида Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши самарали ўтказилди. Кооперациянинг қатор янги йўналишлари ва лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Замонавий таҳсиллар ва олдидан айтиб бўлмайдиган халқаро вазиатни ҳисобга олиб, ташқи сиёсий идоралар, шу жумладан, Европа институтлари билан шериклик доирасида тизимли ҳамкорлик қилиш, мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилди.

Товар айирбошлашни кўпайтириш, энг аввало, ўзаро етказиб берилаётган маҳсулот турларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистондан тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, электротехника, кимё маҳсулотлари, полимерлар, Словакиядан эса каучук, автомобиль қисмлари, фармацевтика ва бошқа саноат товарларини етказиб бериш шулар жумласидан.

Техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология соҳаларида имзоланадиган битимларни амалга ошириш доирасида техник тўқиларни бартараф этиш ва квант эталон лабораториясини ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди.

Словакиянинг етакчи компаниялари билан саноат кооперацияси бўйича кенг қўламли дастурни тайёрлаш, жумладан, агросаноат мажмуи, автомобиллар учун бутловчи қисмлари маҳаллийлаштириш, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, “яшил” энергетика ва туризм лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

Рақамли ечимларни жорий этиш ва стартап инвестициялар соҳасида катта имкониятлар мавжуд. Шу маънода,

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА муҳбири.**

IT стартапларини акселерация қилиш бўйича қўшма венчур фондини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.

Шунингдек, қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун мавжуд молиявий воситалардан кенг фойдаланиш тақлиф этилди.

Гуманитар соҳада таълим ва академик алмашинуви ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани тасдиқланди. Қўшма тадқиқот дастурларини, шу жумладан, Братиславадаги Коменский университети иштирокида йўлга қўйиш юзасидан келишувга эришилди.

Томонлар ўзаро кўрғазмалар, кино намоишлари, концертлар, шунингдек, музей иши соҳасидаги лойиҳаларни ўтказишни назарда тутувчи Маданият соҳасида ҳамкорлик дастурини қабул қилишга келишиб олдилар.

Ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Словакия томони ушбу соҳада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор экани таъкидланди.

Халқаро аҳамиятга молик масалалар, жумладан, кўп томонлама майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам фикр алмашилди. Қабул қилинган қарор ва келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан кенг қамровли “Йўл харитаси” қабул қилиниши ҳақида келишиб олинди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицо Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Етақчилар хузурида икки томонлама ҳужжатлар, хусусан:

- дипломатик кадрлар тайёрлаш тўғрисида;
- қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- стандартлаштириш, метрология ва товарларнинг мувофиқлигини баҳолаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- энергетика бозорларини тартибга солиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар;
- 2025-2026 йилларга мўлжалланган ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури;
- 2025-2026 йилларга мўлжалланган стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик дастури алоҳида.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Бош вазири Роберт Фицо Фахрий меҳмонлар хибонада биргаликда даракт эълдилар.

Маросим икки мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ўзаро аниқлашув мустаҳкамланиб бораётгани, Ўзбекистон – Словакия муносабатлари ривожига янги – стратегик шериклик босқичи бошланганининг рамзи бўлди.

Шу кунни олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Муस्ताқиллик монументи пойига гул қўйди.

Мажмуа билан қисқача танишув асносида Словакия делегацияси вакилларида мазкур ансамбль мазмуни ва меъморий ечимлари ҳақида маълумот берилди.

Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицонинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

### ХОНҚА ТУМАНИДА ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА



2-бет

### ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023–2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-299-сонли қарорининг 4-илоvasи 92-бандида Янгибод тумани “Янгибод” шаҳарчасининг бош режасини ишлаб чиқиш топшириғи берилган эди.**

Мазкур топшириқ ижроси бўйича, манзилли дастурга киритилган ҳолда Янгибод тумани “Янгибод” шаҳарчасининг бош режаси “O’zshaharsozlik LLP” ДМ томонидан ишлаб чиқилиб, жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун қўйилмоқда.

**Муқаддас Қурбон ҳайити ва Ёшлар ойлиги муносабати билан Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ходимлари учун Хива шаҳридаги “Арда Хива” туризм мажмуасига саёҳат ташкил этилди.**



Бошқарма мутахассислари ҳудуддаги диққатга сазовор масканлар билан танишилди. Бу каби тадбирлар ходимларнинг руҳий ва жисмоний соғлигини тиклаш, жамоа ичидаги ҳамжиҳатлик ва дўстона муҳитни кучайтириш, хусусан, маҳаллий туризмни ривожлантириш ва тарихий-маданий обидаларни тарғиб қилишга катта ёрдам беради.



**Дехқонобод туманининг Оқмачит маҳалласида жойлашган Қолувдор қишлоғи аҳолиси жорий йилги Қурбон ҳайитини икки қарра байрам сифатида нишонлади.**

Ҳайит кунни ҳомийлик асосида қурилган икки янги кўприк тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Кўприклар хашар йўли билан қурилди ва узоқ йиллар давомида сойликдан ўтишдаги муаммоларга ечим бўлди. Байрам муносабати билан эҳсон дастурхони ёзилиб, тантанали тадбир ўтказилди. Қишлоқ аҳли бунёдкорлик ишларига бошқош бўлган ҳомийга миннатдорчилик билдиришди.

### ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЭГАЛЛАБ ОЛИНГАН ЕР МАЙДОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**2025 йил 1 май ҳолатига республика бўйича ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаш билан боғлиқ 15 минг 826 та ёки 872,9 гектар ҳолат аниқланди. Кадастр агентлиги органлари томонидан берилган ёзма кўрсатмалар асосида 10 минг 41 та ҳолатда 447,1 гектар майдондаги қонунбузилишларни ихтиёрий бартараф этилиши таъминланди. Ўзбошимчалик билан эгалланган майдонларни қайтариш, ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш ҳақида судларга 2 минг 814 та даъво аризаси киритилди.**

Ерга оид қонун бузилиши ҳолатлари ҳар доим ҳам маъмурий жавобгарликка сабаб бўлмади. Шундай ҳолатлар борки уларда ер билан боғлиқ жиноят аломатлари кузатилади. Мисол учун, сугориладиган



ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб, унда қурилиш қилганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгиланган. Ёки сугориладиган ерни сотиш ёки уни қонунга хилоф тарзда ўзгага бериш учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган. Агар, ушбу ҳаракатлар оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилса, 8-10 йил-

гача озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси қўлланилади. Юқоридаги каби, ерга оид қонун бузилиши ҳолатларида жиноят аломатлари кузатилган 384 та иш ҳужжати ўрнатилган тартибда прокуратура органларига юборилди.

2-бет

# БУ ЮРТДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Нигора НОЗИМЖОНОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳри ўзига хос чирой очмоқда. Шаҳар аҳолисига янада муносиб шароит яратиш мақсадида 112 та кўп қаватли уйларнинг ташқи қисми босқичма-босқич базальт ўрамаси ёрдамида ҳимояланмоқда. Шунингдек, ариқ ва зовурлар ҳам тозаланиб, кўча ва хиёбонлар тартибга келтирилмоқда. Манзарали гул кўчатлари экилмоқда.**

Янги Ўзбекистонда аҳолига ҳар томонлама муносиб турмуш шароитини яратиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Ана шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Сирдарё вилоятида ҳам кенг қўламли қурилиш, бунёдкорлик, яратувчилик ишлари амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарининг тегишли қарорига асосан Гулистон шаҳри бўйича 112 та кўп қаватли уйларнинг тўлиқ таъмирлаш ишлари кўзда тутилган, - деди Сирдарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмаси хизмати" ДУК директори Акбар Ҳасанов. - Бугунги кунда таъмирлаш ишларининг 50 фоиздан ортиқроғини амалга оширдик. Қурилиш ишлари тўлиқ технология асосида, яъни, энергия тежамкор маҳсулотлардан базальт қоплама билан ҳимояланиб, том қисми тўлиқ шифер қилинган. Бунда маҳаллий тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотлардан фойдаланилган. Амалга ошираётган ишмизда арзон ва сифатли маҳсулотлардан фойдаланишга ҳаракат қилиб, сифат ҳамда вақтга катта эътибор қаратмоқдамиз.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, базальт қопламасидан барча турдаги бино ва иншоотларда иссиқлик тутиб туриши учун ишлатилади. Иссиқлик изоляцияси сифатида деворлар ва шифтлар ва томларда қўллаш мумкин. Унинг афзаллиги ўтга чидамлилигида. Базальт қоплама юқори ҳароратта дош беради. Катта шаҳарлар ва мегаполислар аҳолиси учун унинг овоз ўтказмаслик хусусияти фойда аҳамиятлидир.

Бу йил Гулистон шаҳри "Бўстон" маҳалласида жуда катта ўзгаришлар бўлган, - деди маҳалла фуқароси Гулчехра Пардабоева. - Биз кўпдан бери

кўпдан ишларимиз амалга ошган. Инсон манфаатлари, инсон турмуш тарзини яхшилашга қаратилган ишлар кўлами кенг. Иссиқлик манбаи қурилди. Унинг давоми сифатида иссиқлик қувурлари тортилди. Кўп қаватли уйларга энергия тежамкор базальт қопламалари ўрнатилган. Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборлари сабаб Гулистон шаҳри ҳақиқатан ҳам гуллар юртига айланган бормоқда. Буларнинг барчаси Президентимизнинг бизга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги сабаб, деб ўйлайман.

Шу кунларда ўз номига монанд Гулистонни обод ва кўркем масканга айлантириш мақсадида Сирдарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан вилоят маъмурий марказидаги мавжуд 24 та маҳаллада 3 кунлик ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Аҳиллик ва Янги ҳаёт маҳаллаларида худудлар тозаланиб, дарахтларга шакл берилмоқда. Гулистон шаҳрининг марказий худудларидан бўлган Намуна маҳалласидаги кўп қаватли уйлар, жамоат жойлари ижтимоий соҳа объекти атрофида чирой берувчи гуллар экилди, қуруқ ўтлар тозаланди.

Хашарда дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Зовурлар тозаланиб, ариқларда сувлар юргизилди. Кўп қаватли уйларнинг фасад қисмлари ҳаммаси оқланиб, тозаланиб шакли ҳақиқий гулистонга айлантирилди, - деди шаҳар ҳокими ўринбосари Азиза Файзиёва. - Тозаликка риоя қилсак, бу ҳам тарбиявий аҳамиятга эга, ҳам бу жойга баракка ёғилади.

Янги Ўзбекистонда аҳолига ҳар томонлама муносиб турмуш шароитини яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига айланган. Зеро, бу юртда эл азиз, инсон азиз.

## ЎЗБОШИМЧАЛИК билан эгаллаб олинган ер майдонлари аниқланди

◀ 1-бет

Олиб борилган назорат тадбирларда 11 минг 873 нафар шахсга маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилди. Хусусан, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ҳолатлардан ўзбошимчалик билан четта чиқиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларидан қурилиш ишларини амалга ошириш, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида хабардор этмаслик, ер тизми лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четта чиқиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказмаслик каби ҳолатларни содир этишда айбдор шахсларга нисбатан маъмурий жарималар қўрилди.

Булардан ташқари, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳамда ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари бор. Бу иккала тушунчани бир-бирдан фарқлаб олиш керак. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси - ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолда фойдаланиш ҳисобланса, ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш - ер участкаларини ажратиб бериш ҳужжатларида белгилангандан бошқа мақсадда фойдаланиш ёки белгиланган мuddатларда фойдаланмаслик ҳисобланади. Жорий йилда республика бўйича ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш билан боғлиқ 2 минг 392 та ҳолат аниқланиб, 2 минг 389 та ҳолат юзасидан ҳокимликларга тақдиминоа киритилди. 3 та ҳолатда ер участкаларига бўлган ҳуқуқни беқор қилиш юзасидан судларга мурожаат қилинди. Натижанда, 5 минг 318,8 гектар мақсадсиз фойдаланилган ерлар захирарага қайтарилиши таъминланди.

Кадастр агентлиги томонидан жа-

рима қилишдан кўра, қонунда белгиланган санкцияларни тушунтирган ҳолда унинг оқибатларини бартараф этиш масаласига кўпроқ аҳамият берилган. Эътибор берадиган бўлсак, 2025 йилнинг 1 май ҳолатига ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаган 9 292 та ҳолат фуқаролар томонидан белгиланган мuddатда иктириш бартараф этилганлиги сабабли, улар жами 104,5 млрд сўмдан ортиқ маъмурий жаримадан озод этилди.

Маълумки, ҳозирда республикамизнинг барча худудларида "Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни доирасида хатлов ишлари амалга оширилмоқда. Қонунга кўра, 2018 йил 1 майга қадар ҳуқуқий ҳужжатсиз (ёки ҳужжатдан ортиқча) ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, яқна тартибда қурилган турар жойларга эгалик ҳуқуқини бериш назарда тутилган. Мазкур Қонунда белгиланган, яъни 2018 йил 1 майдан кейин қурилган қуриilmалар "Ўзбекистон" агентлиги томонидан космик маълумотлар ёрдамида аниқланади ва кўриб чиқиш учун Кадастр агентлигининг "Е-ер назорат" тизимида юборилади.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, ер билан боғлиқ содир этилган қонунбузилиш ҳолатларини яшириб бўлмади. Ҳар бир қарич ерининг назорати, жавобгарлиги бор. Шу боис, ерлардан қонун доирасида тўғри ва мақсадли фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Ўз мухбиримиз.

# Хонқа туманида қурилиш соҳаси янги босқичга кўтарилимоқда



Имомаддин РЎЗМЕТОВ, Хонқа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси.

**Мамлакатимиз сўнгги йилларда кенг қўламли ислохотлар йўлидан бормоқда. Бу ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири - қурилиш ва архитектура соҳасидир. Чунки қурилиш соҳаси мамлакат инфратузилмасининг пойдеворини ташкил қилади ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан биридир. Сўнгги йилларда бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар, давлат дастурлари ва хусусий сектор иштирокининг ошиши Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.**

Қурилиш соҳаси Хоразм вилоятида ҳам тез суръатлар билан ривожланиётган тармоқлардан биридир. Худудда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан бир қатор давлат дастурлари - "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Яшил макон" каби лойиҳалар амалга оширилган. Ушбу дастурлар доирасида юзлаб қишлоқ ва шаҳарларда уй-жойлар, ижтимоий иншоотлар, йўллар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари барпо этилмоқда. Соҳада амалга оширилаётган ишларга Хонқа тумани мисолида тўхталадиган бўлсак, кўпала мисоллари келтиришимиз мумкин.

Қурилиш соҳасида йирик инвестицияларнинг жалб этилиши муҳим ўрин тутди. Чет эл инвесторлари ва маҳаллий тадбиркорларнинг иштирокида кўпала объектлар бунёд этилган. Жумладан, тижорат марказлари, бизнес-инкубаторлар, меҳмонхоналар ва саннат зоналари бунинг яққол мисолдир. Хонқа туманида ҳам аввалдан мебелсоз усталар кўп бўлган. Ҳозирги кунда бу йўналишда 140 дан зиёд тадбиркор, 500 дан ортиқ хонадонда кичик устахоналар бор. Шу пайтгача уларнинг кўпчилиги тор жойларда, ноқулай шaroитларда ишларди. Шу боис, 10 гектар ер ажратилиб, мебел маҳсулотларини

кластер усулида ишлаб чиқариш, кўр-газма ва савдо объектиларини ўз ичига олган кичик саннат зонаси барпо этилди. Бу ерда 10 миллион долларлик 61 та корхона фаолият бошлаган.

Яна бир муҳим жиҳати, саннат зонасида энергия самарадорликка эътибор қаратилган. Корхоналарнинг барчасига қуёш панеллари ўрнатилган. Корхоналарда Германия, Италия, Швейцария, Туркия, Хитой каби давлатлардан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Йилига 108 миллиард сўмлик уй, офис, меҳмонхона, ресторан, савдо ва ижтимоий муассасалар учун мебеллар ишлаб чиқариш қуввати яратилган. Соҳадаги яқна тартибдаги тадбиркорлар 200 дан ортиқ, 1 минг 300 дан зиёд аҳоли эса ўзини ўзи банд қилган.

Бундан ташқари, Хонқа туманида давлат-хусусий шериклик асосида кўпала ижтимоий соҳа объектилари - мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналар ва спорт иншоотлари қурилиши давом этмоқда. Қолаверса, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида янги уй-жой массивлари қурилипти. Факатгина Хонқа туманининг ўзида ўнлаб янги турар жой мажмуалари қад ростламоқда. Айниқса, экологик барқарорлиқни таъминлаш мақсадида "яшил қурилиш" концепцияси омаллаштипти. Қурилиш материал-

лари ва технологиялар танланаётганда атроф-муҳитга зарар етказмаслик, энергияни тежаш каби мезонларга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Бугунги кунда Хонқа туманидаги "Еш куч" МФЙ худудиди янгидан ташкил қилинган "Янги Ўзбекистон" массивида тасдиқланган бош режага асосан 46 та, 5 қаватли уйлар жами 1228 та хонадон, 1 та 150 ўринли мактабга таълим ташкилоти, 1 та 330 ўринли мактаб, 1 та қозонхона, 1 та оқова сув тозалаш иншооти, ички йўллар ва болалар майдончаларини қуриб фойдаланишга топшириш белгиланган. Массивда 2022-2024 йилларда 29 та турар жой, 728 та хонадон қуриб фойдаланишга топширилган. 2025 йилда яна 14 та турар жойдан иборат 400 та хонадон қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Юқоридагилардан англаш мумкинки, қурилиш соҳаси бугун туманда янги босқичга кўтарилимоқда. Бу соҳа нафақат иқтисодий ўсишнинг муҳим омил, балки аҳолининг фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошишининг асосий таянчи ҳам ҳисобланади. Янги қурилаётган иншоотлар, уй-жойлар ва инфратузилмалар худуднинг замонавий, инновацион ва яшил ривожланиш сари олға интилаётганини яққол тасдиқлайди.

## Ўтган йили уй хўжаликларидида қанча қуёш панеллари ўрнатилган?

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўсиб бораётган талабни ҳисобга олган ҳолда барқарор бозор механизмларини яратиш ва инвестицияларни жалб этишга қаратилган тарифларнинг эркинлаштирилиши энергетика соҳасидаги кенг қўламли ислохотларнинг давоми бўлди. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази 2024 йил май ойида жорий этилган ижтимоий истеъмол нормасига асосланган янги тариф сиёсати доирасида уй хўжаликларининг энергия истеъмолига таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқот ўтказди.**

Тадқиқотда республиканинг барча худудларидан 3516 минг уй хўжаликлари иштирок этди. Шунингдек, 3,5 миллион табиий газ ва 8 миллион электр энергияси абонентларининг истеъмол маълумотлари таҳлил қилинди. Бу эса, энергия истеъмоли таркиби ва тарифлар ўзгаришига аҳолининг муносабатини тушуниш имконини беради. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 2024 йилнинг май-декабрь ойларида электр энергияси истеъмоли 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 10,6 фоизга камайиб, 1,3 миллиард кВт/соат тежалган. Илгари ойига 10 минг кВт/соатдан ортиқ электр энергияси истеъмол қилган уй хўжаликлари сони айниқса сезиларли даражада камайди. 2023 йилда бундай оилаларнинг сони 80 мингга яқин бўлган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 15 минггага камайди.

Қизғи шундаки, асарият аҳоли одадлаги меъёрлар доирасида энергия истеъмолидан фойдаланишнинг давом эттириди. Ойига 200 кВт/соатга электр энергияси истеъмол қилган абонентлар улуши 2023 йилда 71 фоизни ва 2024 йилда 72 фоизни ташкил этиб, барқарорлигича қолди. Табиий газ истеъмолида ҳам шундай тенденция кузатилди. 2024 йилда абонентларнинг 58 фоизи 500 куб метргача табиий газ ишлатган бўлса, 2023 йилда 54 фоизни ташкил этган. Шундай қилиб, тарифларнинг ошиши асосий истеъмол ҳажмининг кескин ўзгаришига олиб келмади.

Энг сезиларли пасайиш дастлабки истеъмоли нисбатан юқори бўлган худудларда, масалан, Самарқанд, Тошкент, Андижон ва Наманган вилоятларида кузатилди. Юқори истеъмол даражаси (ойига 10 000 кВт/соатдан ортиқ) бўлган уй хўжаликлари сони сезиларли даражада камайди. Бу эса, энергия ресурсларидан тежамкор фойдаланишга ўтишдан далолат беради. Шу билан бир қаторда, энергия таъминоти сифати ҳам яхшиланимоқда. Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг деярли ярми электр энергияси билан таъминлаш, шунингдек, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш борасидаги ижобий ўзгаришларни қайд этди.

Уй хўжаликларининг 47 фоизи, хусусан, Сурхондарё, Сирдарё ва Наманган вилоятларида электр энергияси таъминоти яхшиланиши қайд этилди. Респондентларнинг 39 фоизиди табиий газ таъминоти яхшиланди, энг юқори кўрсаткичлар Хоразм, Сурхондарё ҳамда Жиззах вилоятларида қайд этилди. Аҳолининг 45 фоизни, хусусан, Сирдарё, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида суюлтирилган газ билан таъминлаш яхшиланди. Шундай қилиб, давом этаётган ислохотлар натижасида асосий энергия хизматларидан фойдаланиш яхшиланилигини кўрсатади.



Ижобий ўзгаришлардан яна бири - уй хўжаликларидида маъмурий даражада энергия тежаш чораларини кенг жорий этиш бўлди. Респондентларнинг 90 фоиздан ортиғи энергия харажатларини камайтириш учун камида битта чора-тадбир амалга оширилганлигини маълум қилди. Энг кенг тарқалган амалиёт LED-ёритиш мосламаларини ўрнатиш бўлиб, уй хўжаликларининг 87 фоизи светодиодли ёритишга ўтган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Тошкент вилоятлари каби айрим худудларда бундай оилалар сони 90 фоиздан ошди.

Уй хўжаликларининг 44 фоизи, айниқса, Қашқадарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларида пластик дераза ва эшикларни ўрнатиш орқали энергия самарадорлиги яхшилган. 31 фоиз уй хўжаликлари энергия тежамкор маъмурий техника сотиб олган. Бундай қарорларнинг энг катта улуши Жиззах, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кузатилди. Бундан ташқари, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш масаласига ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. Республикадаги 64 минг уй хўжаликларидида умумий қуввати 223,4 МВт/соат бўлган қуёш панеллари ўрнатилган. Йиллик ишлаб чиқариш қарийб 313 миллион кВт/соатни ташкил этади, бу орқали 104 млн куб метр табиий газ

қуёш панелларини ўрнатган уй хўжаликларининг ярмидан кўпи эришилган натижалардан мамнун эканликларини айтиб, келгусида мазкур қуриilmалар сонини кўпайтиришга қизиқиш билдиришган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикада 1,9 миллион уй хўжаликларидида қуёш панелларини ўрнатишга талаб мавжуд, бу эса 2,3 миллиард доллардан ортиқ ички бозорни шакллантириш истиқболларини очади. Шу билан бирга, хонадонларда самарадорлиги паст бўлган газ котеллари ва қўлбола печка орқали юқори энергия истеъмоли сакланиб қолмоқда. Бу уй-жой инфратузилмасини модернизация қилиш ва замонавий технологияларга ўтишни рағбатлантириш зарурлигини кўрсатади.

## Аттракционлардан фойдаланишда хушёрлик зарур

Сардор ХИДИРОВ,  
Саннат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси Самарқанд худудий бошқармаси бош мутахассиси - давлат инспектори.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган "Аттракционлардан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш қоидалари" бўйича кўрсатмаларга риоя қилиш бузғини куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Айнан шу масалада Самарқанд вилоятидаги истироҳат боғларида муҳим чора-тадбирлар белгиланиб, бир қатор ишлар бажариляпти.**

Мамлакатимиз мактабларидида сўнгги кўнғироқ чалиниб, ёзги таътил бошланиб кетди. Табиийки, болажонлар бу масумни қувноқ ва мазмунли ўтказиш мақсадида жойлардаги истироҳат боғлари, ўйингоҳларга ташриф буюришади. Бундай дамларда улар турли техник қуриilmалар ёки аттракционлардан фойдаланиши аниқ. Мутасаддилардан эса бундай пайтда мавжуд аттракцион ва бошқа жиҳозларнинг техник жиҳатдан ҳар томонлама соз бўлишини таъминлаш талаб этилади. Буларнинг бари қўтилганда ноҳуш ҳолатлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Саннат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси Самарқанд худудий бошқармаси мутахассислари жойларда бўлиб, шу масалада тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Шу билан бирга, истироҳат боғлари раҳбарлари ва ота-оналар зиммасидаги масъулиятни уқтириб, "Аттракцион назорати" платформасидан фойдаланиш ва ишлатиш тартиби бўйича маслаҳатлар ҳам бериляпти. Бу эса, ёзги таътилнинг соз ва беҳавотир ўтишини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бухоро вилояти

# “Локомотив” ЎЙИНГОҲИНИНГ КАЙТА ТУФИЛИШИ

Зулфизар МАВЛОНОВА,  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Когон шаҳрида 1967 йилда барпо этилган “Локомотив” ўйингоҳи йиллар давомида нафақат вилоят, балки республика миқёсидаги спорт тадбирлари, чемпионатлар учун майдон бўлган. Бу ерда бокс, кикбокс, стол тенниси, футбол, эркин кураш, енгил атлетика каби спорт турлари бўйича юзлаб спортчилар етишиб чиққан. Уларнинг орасида халқаро миқёсда Ўзбекистон чемпионлари ҳам бор.

Бироқ вақт ўз ҳукмини ўтказмай қолмади. Утган йилларда ўйингоҳ трибуналари ва инфратузилмаси эскирган, бино-иншоотлар эса зилзилабардошлик талабларига жавоб бермай қолган эди. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан “Локомотив” ўйингоҳини тўлиқ реконструкция қилиш ишлари бошлаб



юрборилди. Авваломбор, мавжуд бинолар демонтаж қилиниб, замонавий лойиҳалар асосида янги инфратузилма барпо этилди. Дастлабки босқичда ажратилган 3,5 миллиард сўм маблағ эвазига 3,5 минг ўринга мўлжалланган икки қаватли трибуна, югуриш йўлаклари ҳамда майдонни реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Лойиҳага кўра, трибуна ости қисмида

спортнинг турли йўналишларига мўлжалланган замонавий тренажёр заллари, бокс, кураш, фитнес ва бошқа спорт турлари учун алоҳида хоналар бунёд этилди. Натижада болалар ва катталар учун ёпиқ турдаги сузиш хавзаси ҳамда кичик футбол майдончалари ташкил қилинди. Бу эса, шубҳасиз, спорт мажмуасининг функционал имкониятлари янада кенгайтиради.

Яқинда янги кўринишга эга бўлган мазкур “Локомотив” ўйингоҳи фойдаланишга топширилди. Бу нафақат Когон шаҳри, балки бутун Бухоро вилояти аҳолиси учун чинакам тухфага айланди. Тадбир давомида саҳналаштирилган композициялар, Миллий гвардия хизматчиларининг чиқишлари ва таниқли санъаткорларнинг концерт дастури байрам шукӯҳини янада оширди. Тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Ботир Зарипов сўзга чиқиб, янги спорт иншоотининг ёшлар тарбиясидаги, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

– Ўн йилга яқин қаровсиз ётган бу жой ҳар куни одамлар билан гавжум бўлиши керак, – деди Ботир Зарипов. – “Локомотив” ўйингоҳининг замонавий талабларга мос ҳолда қайта тикланиши аввало, ёшлар учун катта имкониятлар эшигини очди. Бу энди фақат спорт базаси эмас, балки соғлом ҳаёт, жамоат бирдамлиги, миллий ғурур ва юксак орзулар марказидир. Юртимизда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги, тарихи ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган бундай лойиҳалар нафақат иқтисодий ва ижтимоий юксалишга, балки одамларнинг қалбида фахр ва меҳр туйғуларининг кучайишига хизмат қилади.

Когонда очилган “Локомотив” спорт мажмуаси бунга яққол мисолдир.

Қашқадарё вилояти

## Янги стадион қурилди

Шухрат НОРМУРОДОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қамаши туманининг “Янги авлод” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлари 2024 йилги ДХХ кубоги мини-футбол баҳсларида ғолибликни қўлга киритгани муносабати билан туманда янги мини-футбол майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қамашилик ёшлар ушбу мусобақанинг Республика босқичида 2021, 2023 ва 2024 йилларда ғолибликни қўлга киритган. Бундан аввалги ғалабалар учун “Самарқанд” МФИда мини-футбол майдони, “Янги авлод” МФИда

эса “Ёшлар гузари” барпо этилган эди. Бу галги майдон жамоа мураббийи ва футболчиларнинг таклифи асосида, уларнинг илк машғулоти бўлган “Дўстлик” МФИдаги 61-мактаб ҳудудида қурилди.

## Замонавий поликлиника ишга тушди

Шаҳрисабз туманининг энг олис ҳудудларидан бири бўлган “Сайёд” МФИда 40-сонли оилавий поликлиниканинг замонавий филиали фойдаланишга топширилди.

Ушбу тиббиёт масканининг очилиш маросимида туман ҳокимлиги масъуллари, тиббиёт бирлашмаси раҳбар ходимлари, шифокор ва ҳамширалар иштирок этдилар. Янги поликлиника замон талаблари асосида қурилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

## “Sulton Tex Group” фабрика қуради

Миришкор туманининг “Оқмачит” МФИда вилоятда пахтачилик йўналишида фаолият юритаётган етакчи кластерлардан бири – “Sulton Tex Group” корхонаси томонидан умумий қиймати 7 млн АҚШ долларига тенг бўлган замонавий тикув-трикотаж қурилишига расмий тарзда старт берилди.

Лойиҳа доирасида қурилиш майдонининг аниқ чегаралари белгилаб олинди, ерга қозилар қўқилди. Корхонанинг тўлиқ ишга тушиши натижасида 500 та доимий иш ўрни яратилади. Бу эса нафақат “Оқмачит” МФИ, балки бутун туман аҳолисининг бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Сурхондарё вилояти

## Тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилди

Ғайрат БҮРИЕВ, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Ахборот хизмати бош мухтассиси.

Юртимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда чекка ҳудудлардаги тиббиёт инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида Сурхондарё вилоятининг Сароисиё туманида жойлашган 64-оилавий поликлиника ва Чинор оилавий шифокорлик пункти тубдан таъмирланиб, фуқаролар хизматига топширилди.



Таъмирдан чиқарилган мазкур тиббиёт муассасалари замонавий меъморий қиёфа касб этиб, барча зарурий тиббий жиҳозлар, техник воситалар, диагностика ускуналари ва компьютер технологиялари билан таъминланди. Ушбу ўзгаришлар тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини қўллаб-қувватлаш ва профилактик ишларни самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Мазкур муассасалар кенг қамровли аҳоли қатламларига хизмат кўрсатади. Жумладан, Ширин маҳалласида жойлашган 64-оилавий поликлиника

10 минг 380 нафардан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлса, Бойсунбод маҳалласидаги Чинор оилавий шифокорлик пункти 5 минг 300 нафардан зиёд фуқарога тиббий хизмат кўрсатади. Ушбу оилавий шифокорлик пунктида “Электрон поликлиника” тизими жорий этилиши эса тиббий хизмат кўрсатишда замонавий ёндашувларни татбиқ этишга йўл очди. Шу муносабат билан тиббиёт ходимларига замонавий планшет ва компьютер жамланмалари топширилиб, хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш борасида муҳим қадам қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси

## Янги боғчалар – болаларга совға бўлди



Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрами муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор болалар боғчалари бинолари фойдаланишга топширилди.

Энг чекка ҳудудлардан бири – Қўнғирот туманидаги “Устурт” овул фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаган 90 ўринли янги давлат мактабгача таълим ташкилоти биносининг тантанали очилиш маросими катта байрам сифатида ўтказилди.

Ушбу боғча Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 – 2026 йилларда Ўз-

бекистон Республикасида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 404-сонли қарори асосида ажратилган 3,3 миллиард сўм маблағ эвазига барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу кун Чимбой туманидаги “Оржап” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 150 ўринли 17-сонли мактабгача таълим муассасаси ҳам фойдаланишга топширилди. Мазкур боғча Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташири-

би давомида берилган топшириқ асосида 6,2 миллиард сўм маблағ эвазига барпо этилди.

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар бундай замонавий шароитларни яратиш ҳудудларни барқарор ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам эканлигини таъкидлашди. Тадбир якунида ота-оналар ва меҳмонлар янги боғчадаги инфратузилма, болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.

## “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ

### АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ жамиятининг шу манзилда жойлашган мажлислар залида 2025 йил 30 июнь куни соат 10.00 дан бошлаб жамият акциядорларининг 2024 йил якуни билан наватдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши маълум қилинади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2025 йил 25 июнь ҳолати билан тузилган.

#### КУН ТАРТИБИ:

- “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг санок комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш.
- “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2024 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти якуни, бизнес-режа ва ўрта муддатга белгиланган ривожлантириш стратегияси бажарилиши борасидаги бошқарув ҳисоботининг муҳокамаси.
- “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2024 йил молия-ҳўжалик фаолияти якуни бўйича миллий аудит стандартлардан ва халқаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик текшируви хулосаларини кўриб чиқиш.
- “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ кузатув кенгашининг 2024 йил якуни билан ҳисоботини кўриб чиқиш.
- “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
- “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг 2024 йил якуни билан олинган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш.
- “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг ижроия органига 2025 йилда тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини тасдиқлаш.
- “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг аф-филланган шахслари билан келгусида кундалик ҳўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларини маълумлаш.
- Жамиятининг 2025 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
- “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамияти бошқарув органи раҳбари лавозимига танлов ўтказиш бўйича Низомни янги таҳрирдаги матнни тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга таянчлик қўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар рўйхатига қўйиладиганлиги кўрсатилади:

- АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши санок комиссиясининг сон ва шахсий таркиби бўйича маълумот;
- 2024 йил якуни билан йиллик ҳисобот;
- 2024 йил якуни билан аудиторлик хулосалари;
- 2024 йил якуни бўйича ҳисобланган ва тасдиқланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорликнинг йиғини кўрсаткичи (СЙК) киймати борасидаги аудитор хулосаси;
- корпоратив бошқарув тизими баҳоланиши борасидаги хулоса;
- кузатув кенгашининг 2024 йил якуни билан соф фойда тақсимоти бўйича таклифи;
- жамиятининг 2025 йилга белгиланган бизнес-режаси.

“Муборакнефтегазмонтаж” АЖ кузатув кенгаши.



# БЕҚИЁС ЛОЙИХАЛАР МУАЛЛИФИ

Шерзод НИЗАМОВ, Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

**Тараққий этаётган қурилиш-бунёдкорлик соҳаси ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган фахрий архитекторлардан бири, архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийси Шухратхўжа Хошимовдир. Юртимиз шаҳар ва қишлоқларнинг замонавий қиёфасини акс эттирувчи беқиёс лойиҳалар ҳақида гап кетганда, у кишининг номи албатта тилга олинishi бежиз эмас.**

Бугунги кунда Шухратхўжа Хошимов "O'zshaharsozlik LITI" бош лойиҳа институтти давлат муассасасида Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Шухратхўжа Хошимов Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топиб, 1982 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти-ни муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича тамомлаган. Илк иш фаолиятини Қашқадарё вилоятидаги "Толмаржон-ГРЭСстрой" қурилиш трестида бошлаган. 1982-2012 йиллар давомида "Плавтшкентстрой"нинг 12-трестида бошқарма бошлиғи, "Тошўйиш ЛИТИ" ва "Ушшаҳарсозлик ЛИТИ" каби лойиҳа институтларида директор, давлат экспертиза органи ҳамда Тошкент шаҳар капитал қурилиш бош бошқармасида раҳбарлик лавозимларида ишлаб, сидқидилдан меҳнат қилган.

Фахрий архитектор йиллар давомида жамиятда юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш ва йирик қури-

лиш объекти лойиҳаларини амалга оширишда катта ҳаётий тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг архитектура соҳасидаги кўп йиллик тажрибаси шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгилаш, идоравий қурилиш норма ва қоидалари ишлаб чиқишнинг мувофиқлаштириш соҳасида ҳам асқатмоқда.

2012-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири ўринбосари лавозимларида ишлаб, бунёдкорлик соҳасини янги босқичга олиб чиқиш жараёнида фаол қатнашди. Бу йиллар давомида унинг иштирокида 321 та шаҳарсозлик ҳужжатлари, 29 та шаҳар ва шаҳар посёлкалари бош режалари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишга бевосита бошчилик қилган.

Ўтган давр мобайнида тажрибали архитектор иштирокида соҳадаги 60 та норматив, шу жумладан, 30 та давлат қурилиш стандартлари ҳамда 30 та қурилиш нормалари ва қоидалари илғор хорижий тажриба асосида қайта қўриб чиқилиб, янгиланди. 2021-2022 йилларда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг бош режа лойиҳалари ишлаб чиқиши билан бир вақтда, қишлоқ (овул) аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ёндош маҳаллаларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам фаол қатнашди.

Республика ҳудудлари бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ишлаб чиқишида бевосита қатнашган.

Устоз архитектор меҳнат фаолияти давомида қўлаб ёш қурувчиларга касб сирларини ўргатган. Улар бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистон тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келишмоқда. Ташаббускор, меҳнатсевар, шогирдлари, ҳамкасблари ва маҳалладошлари ўртасида ҳурмат қозонган фахрий архитекторнинг келгуси ишларига улкан муваффақиятлар тилаймиз.

## СИФАТЛИ ТИЛ ТАЪЛИМИ – келажак пойдевори

Азиза МЕЙЛИЕВА, Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси.

**Бугунги глобал дунёда хорижий тилларни, айниқса, инглиз тилини билиш шахсий ва касбий ривожланишнинг муҳим омилига айланди. Ўзбекистонда сўнгги йилларда бу соҳада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Чет тилларини ўрганишни рағбатлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.**

2021 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилларни ўрганишни янада оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони таълим тизимидаги муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Ушбу Фармон асосида мактаб ва олий таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш шакли ва мазмуни қайта қўриб чиқилди, замонавий педагогик ёндашувлар амалиётга жорий этилди.

Анъанавий грамматик ёндашувдан ташқари, сўнгги йилларда қатор янги методлар кенг қўлланила бошлади. Хусусан, коммуникатив усул – тилни ҳаётда фаол қўллашга йўналтирилган. CLIL (Content and Language Integrated Learning) – фан ва тилни биргаликда ўқитиш модели. Бу усул лицей ва университетларда кенг тарқалмоқда. Task-based learning – вазифаларга асосланган ўқитиш, яъни амалиёт орқали тил ўргатиш усули. Бундай усуллар ўқувчиларда тилни назарий эмас, балки амалий фаолиятда қўлаш кўникмаларини шакллантиради. Бу эса уларнинг нутқ фаолиятини ва эркин мулоқот қилиш салоҳиятини кучайтиради.

Замонавий методларни татбиқ этиш учун юқори малакали ўқитувчилар зарур. Шу боис, ўқитувчилар учун мунтазам равишда малака ошириш курслари, семинар ва тренинглари ўтказилмоқда. Бундан Британия Кенгаши, Ziyonet платформаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Шу билан бирга, Европа тил стандартлари

(CEFR) асосида ўқитувчиларнинг билим даражалари баҳоланмоқда.

Пандемия даврида пайдо бўлган онлайн таълим имкониятлари бугун ҳам фаол қўлланилмоқда. Duolingo, Quizlet, Google Classroom ва Coursera каби платформалар орқали талабалар мустақил таълим олиш имконига эга. Бу ҳолат ўқув жараёнини янада эркин ва замонавий шаклга олиб чиқмоқда.

Шу билан бирга, соҳа олдида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, тажрибали мутахассисларнинг барча ҳудудларда етарли эмаслиги, оқилона ўқув-методик материаллар етишмаслиги, қишлоқ ҳудудларида инфратузилманинг заифлиги. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Масалан, қўшма таълим лицей ва университетлар, мультимедиа ва интерактив ўқув материалларини ишлаб чиқиш, қишлоқ ҳудудларида фаолият юритувчи ўқитувчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Хулоса ўрнида айтганда, сифатли тил таълими – рақобатбардош келажак пойдевори. Яъни, мамлакатимизда инглиз тилини ўқитиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва инновацион ёндашувлар натижасида таълим сифати яхшиланмоқда. Эндиги асосий мақсад – мавжуд ютуқларни сақлаб қолиш, амалий муаммоларни ҳал этиш ва халқаро стандартларга мос, барқарор методик асос яратишдир. Бу эса юртимизнинг глобал таълим майдонида муносиб ўринни эгаллашига хизмат қилади.



IJTMOIY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON  
BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шерзод Хидоятлов,  
(Тахрир хайъати раиси),  
Давронжон Адилов,  
Тоир Алиматов,  
Озода Жўраева,  
Сирожиддин Ошқувватов,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Бобир Эмүрдов,  
Илҳом Аҳмедов.

**ТАХРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳих **Марҳамат Муслимонкулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ ТОМОНИДАН НАШРГА ТАЙЁРЛАНДИ.**

**"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,  
"Ўзсанотқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзТАШҚИЛИТИ" МЧЖ,  
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,  
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,  
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,  
Навий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:**  
71-241-01-29 (кабулхона),  
71-241-01-43 (тахририят),  
71-241-01-29 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.  
Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466.  
Буёртма – Г- 641.  
1996 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,  
"Буёқ Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –  
Р. Хўжаева.  
Навбатчи –  
А. Ҳақбердиев.

ЎаА якуни –  
Тошпирилди – 23.00.

1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 17 июнь кунни чиқади.

## Оромгоҳ жамоаси ва дам олувчилар қурувчилардан миннатдор

Шербек ЭРКИНБОЕВ,  
Амударё тумани ФВБ II ва НБ инспектори, катта лейтенант.

**Оролбўйи минтақасида жойлашган Амударё туманида давлат дастурлари доирасида кўп қаватли тузар жойлар, маъмурий бинолар ва бошқа иншоотлар қурилиб, фуқароларнинг кўп йиллик орзулари ушалмоқда. Эскирган уйлар таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилляпти.**



Бу жараёнда шифохоналар ва дам олиш масканларини тартибга келтириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, туман ҳокимлиги ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими жамоаларининг ташаббуси билан "Дўрмон" овул фуқаролар йиғинида жойлашган "Қалдирғоч" дам олиш масканини жорий йил охиригача замонавий лойиҳа асосида қайта қуриш ишлари бошланган эди.

Бунёдкорларнинг сай-ҳаракати ва қўлаверса, маҳаллий хомашёлардан тайёрланган сифатли қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилгани тўғрисида тўрт ой ичида оромгоҳдаги бинолар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, қўшимча бинолар, стадион ва сувиш ҳавзаси, кутубхона қурилиб, болажонларнинг ёзги таътили арафасида фойдаланишга топширилди. Худудни туман маркази билан туташтирувчи 3 километрдан ортиқ йўлга асфальт ётқизилиб, тунги ёридаги чиқоқлари ўрнатилди ва пидедалар йўлаги қурилди. Маҳаллани кесиб ўтувчи ариқ ва канал атрофи тартибга келтирилиб, оромгоҳни электр энэр-

гияси билан таъминлашга мослашган линиядаги кабеллар янгиланди.

Шу кунларда мавсумнинг биринчи ўн беш кунлиги бошланган. Ёз мавсумида болажонларнинг эмин-эркин дам олишлари учун зарур чоралар қўриб қўйилган. Хусусан, оромгоҳ ҳудудида ёнғин хавфсизлигига қарши алоҳида жойлар ташкил қилиниб, соҳа ходимлари томонидан доимий назорат ўрнатилган.

Худуд ва унинг ён-атрофида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан оромгоҳ раҳбари ҳамда тарбиячилари билан ҳамкорликда электр энергиясидан самарали фойдаланиш, сув ҳавзаларида эҳтиёт чораларини қўриш, сув тортиш ва босимни кўтарувчи насослар созланишига эътиборни қўяйтириш, оромгоҳдаги мавжуд бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш бўйича машғулотлар ўтказилляпти. Бундан ташқари, биноларнинг ёғоч қурилмаларига кимёвий суюқлик билан ишлов берилиши ҳамда болажон оловли ўйинлар ўйнамаслиги, гулханлар ёқмаслиги бўйича алоҳида режа ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосида ишлар ташкил этилмоқда.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**2025 йил июнь ойининг 10-16 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Бухгалтерия бош мутахассиси **Ўткирбек Ҳамзаев**, Халқаро ҳамкорлик ва Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш ҳамда ДХШ ва инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Шухрат Закиров**, Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси **Акмал Хурсандий**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланиш қоидаларига риоя этилиш назоратини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Шерзод Қаюмходжаев**,

"Ташгипрогор" АЖ бўлим бошлиғи **Владимир Тараборин**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ етакчи муҳандиси **Шерзод Турғунбоев**,

"Ўзоғирсанотлоийҳа" АЖ ООПР оператор телефони **Убайдулла Турсунходжаев**, УПРО ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари **Шайдулла Ашуров**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ мутахассиси **Ҳилола Мўмин-Ахундова**, Архитектура ва қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Рустам Джўраев**, Бухоро филиали лойиҳа бош муҳандиси **Асилбек Жўраев**, Хоразм филиали етакчи архитектори **Умар Равшанбеков**, Навой филиали етакчи архитектори **Қамолддин Комилов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бошлиғи **Бауиржан Паҳрадинов**, Қўнғирот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими етакчи мутахассиси **Расул Шамшетдинов**,

Андижон вилояти Избоскан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектора ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Жаҳонгир Хожиматов**,

Бухоро вилояти Когон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Бекзод Абдуллаев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Неъмат Холлов**,

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОғЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

Қашқадарё вилояти Қарши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Рустам Исоқов**, Шаҳрисабз шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Аброржон Зиёдуллаев**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Акмал Эргашев**, мутахассислар **Темур Эргашев**, **Ботирбек Назаров**,

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўбаси бош мутахассиси **Ситора Бобомуратова**, уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Шавкат Тошмиров**, архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Фахриддин Жўмаев**,

Наманган шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Ахлиёр Мамажонов**, Янги Наманган тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Оттабек Исмоилов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси архитектура ва худудларни ривожлантириш режалаштириш шўбаси бош мутахассиси **Ҳожиакбар Тожибоев**, бош мутахассиси **Равшан Ҳусанов**, уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассислар **Дилноза Усмонова**, **Ғайратжон Ташматов**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати бўлими бошлиғи **Равшанбек Аллаберганов**, хўжалик ишлари бўлими мудири **Улуғбек Холжаев**,

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Nutmuxamedov kommunal" МЧЖ БСК раҳбари **Алишер Нурмухамедов**, "Bilyunabonu6" МЧЖ БСК раҳбари **Матлюба Тажиева**, Олмазор туманидаги "Olmazog kommunal baraka" МЧЖ БСК раҳбари **Гулчехра Гаипова**, Юнусобод туманидаги "Zarmetan service" БПК раҳбари **Нурилла Деҳқонов**,

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Хауғли-kommunalchi" уй-жой мулкдорлари шirkати бошқарувчиси **Римма Гайнуллина**, Яккасарой туманидаги "Global-kommunalchi" уй-жой мулкдорлари шirkати бошқарувчиси **Ольга Ланкинларни** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.